



# ХУДУДЛАРДА АСОСИЙ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ИНФЛЯЦИЯСИ

2020 йил январь-сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Тошкент 2020


## ҲУДУДЛАРДА АСОСИЙ ТОВАР ВА ХИЗМАТЛАР ИНФЛЯЦИЯСИ

Охирги 12 ой давомида истеъмол нархлари индексида (ИНИ) пасаювчи тенденция кузатилди. Хусусан, 2019 йилнинг сентябрь ойида йиллик инфляция даражаси 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич жорий йилнинг сентябрь ойига келиб 11,7 фоизга тенг бўлди. Мазкур даврда, озиқ-овқат товарлари инфляцияси умумий инфляция даражасидан юқори кўрсаткичларда шаклланганлиги кўзатилиб, ноозиқ-овқат товарлари ва хизматларда эса нархларнинг ўсиш тенденцияси умумий инфляциядан паст даражада қайд этилди.

Таъкидлаш лозимки, 2020 йилнинг август ойига келиб ИНИ ҳамда унинг асосий маркиби қисмларида йиллик ўсиш кўрсаткичи сезиларли даражада пасайди. Бунда, 2019 йилнинг август ойидаги тартибга солинадиган нархлар ҳамда иш хақи оширилишининг таъсирлари тугаб бориши билан изоҳлаш мумкин. Бироқ, сентябрь ойида истеъмол нархлари инфляцияси сезиларли ошиб, 1,4 фоизга тенг бўлди. Инфляция ошиши асосан озиқ-овқат нархлари эвазига шаклланди. Хусусан, тухум (6,5 фоизга), гўшт маҳсулотлари (3,8 фоизга), гуруч (2,8 фоизга), ўсимлик ёғи (2,8 фоизга) ҳамда мева ва сабзавотларнинг мавсумий (3 фоизга) қимматлашиши кузатилди.

Умуман олганда, жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида республика бўйича инфляция даражаси 6,3 фоизни ташкил этди. Ҳудудлар кесимида нархлар айрим ҳудудларда юқорироқ даражада ўсиши кузатилди. Хусусан, Тошкент шаҳрида йил бошига нисбатан нархлар ўртача 8,9 фоизга, Тошкент, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларида мос равишда 6,7, 6,6 ва 6,5 фоизга ошди. Шунингдек, Сурхондарё, Андикон ва Наманган вилоятларида инфляция республика кўрсаткичига нисбатан пастроқ даражада шаклланди (1-расм).

**1-расм. 2020 йил январь-сентябрь ойларида республика ва ҳудудлар кесимида истеъмол нархлари индекси ўзгариши (фоизда)**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

## Озиқ-овқат товарлари

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат товарлари инфляцияси республика бўйича ўртача 7,5 фоизни ташкил этди (ўтган йилнинг мос даврида 8,4 фоизни ташкил этган). Ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шахри (10,6 фоиз), Жиззах (8,3 фоиз), Тошкент (8,0 фоиз), Қашқадарё (7,8 фоиз), ва Хоразм (7,6 фоиз) вилоятларида озиқ-овқат товарлари нархларининг ошиши республика бўйича ўртача озиқ-овқат инфляциясидан юқорироқ даражада шаклланган бўлса, Сурхондарё (5,2 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (5,4 фоиз), Андикон (6,0 фоиз), Сирдарё (6,7 фоиз), Наманган (6,8 фоиз) ва Бухоро (6,9 фоиз) вилоятларида нисбатан пастроқ даражани қайд этди (2-расм).

Таъкидлаш жоизки, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат товарлари инфляциясига таъсир кўрсатган асосий омилларга гўшт маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, буғдой уни, картошка, гуруч ва тухум сезиларли даражада қимматлашгани сабаб бўлди.


## Гўшт маҳсулотлари

Мазкур даврда гўшт маҳсулотларининг нархи республика бўйича ўртача 14,8 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулот нархининг энг юқори ўсиши Самарқанд вилояти (18,1 фоиз) ва Сирдарё вилоятида (17,6 фоиз) кўзатилган бўлса, энг паст даражаси Андикон ва Фарғона вилоятларида (11,4 фоиз) қайд этилди (3-расм).

## Буғдой уни

2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида буғдой уни нархида ўсуви тенденция кузатилган бўлиб, республика бўйича ўртача 12,5 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида буғдой уни нархининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (17,5 фоиз) ва Самарқанд вилоятида (17,4 фоиз) кузатилди. Энг паст даражаси эса Фарғона вилояти (7,2 фоиз) ва Қорақалпоғистон Республикасида (7,4 фоиз) қайд этилди (3-расм).

**2-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида озиқ-овқат товарлари инфляцияси**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**3-расм. Буғдой уни, гўшт ва нон маҳсулотлари инфляцияси**

Гўшт маҳсулотлари	Буғдой уни		Нон ва нон маҳсулотлари		
Самарқанд вил.	18,1	Тошкент ш.	17,5	Самарқанд вил.	14,8
Сирдарё вил.	17,6	Самарқанд вил.	17,4	Тошкент ш.	14,1
Жиззах вил.	17,1	Хоразм вил.	17,1	Хоразм вил.	12,5
Наманган вил.	17,0	Бухоро вил.	15,1	Жиззах вил.	10,8
Навоий вил.	15,9	Республика	12,5	Андикон вил.	10,6
Тошкент ш.	15,5	Жиззах вил.	12,3	Республика	10,4
Бухоро вил.	15,5	Сирдарё вил.	12,0	Бухоро вил.	10,3
Қашқадарё вил.	15,1	Андикон вил.	11,5	Наманган вил.	9,4
Хоразм вил.	15,0	Наманган вил.	11,5	Сирдарё вил.	9,2
Сурхондарё вил.	14,9	Тошкент вил.	11,3	Тошкент вил.	9,2
Республика	14,8	Навоий вил.	10,4	Қашқадарё вил.	9,2
Тошкент вил.	13,6	Қашқадарё вил.	9,8	Навоий вил.	7,9
Қорақалпоғистон	11,9	Сурхондарё вил.	8,0	Қорақалпоғистон	7,6
Андикон вил.	11,4	Қорақалпоғистон	7,4	Фарғона вил.	7,5
Фарғона вил.	11,4	Фарғона вил.	7,2	Сурхондарё вил.	6,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### **Нон ва нон маҳсулотлари**

Жорий йилнинг дастлабки тўқиз ойи давомида нон ва нон маҳсулотлари республика бўйича ўртача 10,4 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида таҳлил қилингандан энг юқори ўсиш Самарқанд вилоятида (14,8 фоиз) қайд этилган бўлса, энг паст даражаси Сурхондарё вилоятида (6,3 фоиз) кузатилди (3-расм).

### **Тухум**

Ҳудудлар кесимида тухум нархи динамикаси турли хил тенденцияларда шаклланди. Хусусан, ушбу маҳсулот нархи республика бўйича ўртача 14,2 фоизга ошган бўлса, ҳудудлар кесимида, Жиззах вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, мос равища, 26,2 ва 23,1 фоизга қимматлашди (4-расм).

### **Гуруч**

2020 йилнинг январь-сентябрида гуруч нархи республика бўйича ўртача 11,9 фоизга ўсади. Ҳудудлар кесимида гуруч нархининг энг юқори ўсиш даражаси Қорақалпоғистон Республикасида (17,5 фоиз), Жиззах (15,7 фоиз) ҳамда Қашқадарё (15,4 фоиз) вилоятларида қайд этилиб, энг паст ўсиш даражаси Сурхондарё (7,0 фоиз) ва Наманган (8,1 фоиз) вилоятларида кузатилди (4-расм).

### **Ўсимлик ёғи**

Мазкур даврда ўсимлик ёғи нархida ўсуви тенденция кузатилиб, республика бўйича ўртача 11,3 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида, ушбу товар нархининг энг юқори ўсиши Сирдарё (15,8 фоиз) ва Наманган (15,0 фоиз) вилоятларида қайд этилди, энг паст даражаси эса Қорақалпоғистон Республикаси (6,9 фоиз) ва Навоий (7,7 фоиз) вилоятларида кузатилди (5-расм).

### **Сабзавотлар**

Кузатилаётган давр мобайнида сабзавот нархлари инфляцияга пасайтирувчи омил сифатида хизмат қилди. Хусусан, сабзавот нархлари республика бўйича ўртача 24,9 фоизга арzonлашди. Ҳудудлар кесимида, энг сезиларли арzonлашиш Сурхондарё вилоятида (37,4 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст арzonлашиш

### **4-расм. Гуруч, шакар ҳамда тухум маҳсулотлари инфляцияси**

Тухум	Гуруч	Шакар			
Жиззах вил.	26,2	Қорақалпоғистон	17,5	Навоий вил.	11,9
Қорақалпоғистон	23,1	Жиззах вил.	15,7	Қашқадарё вил.	7,6
Тошкент ш.	21,7	Қашқадарё вил.	15,4	Қорақалпоғистон	7,3
Тошкент вил.	20,7	Фарғона вил.	14,4	Тошкент ш.	7,1
Навоий вил.	20,3	Навоий вил.	13,6	Фарғона вил.	6,7
Хоразм вил.	17,0	Бухоро вил.	13,4	Тошкент вил.	6,0
Қашқадарё вил.	16,6	Тошкент вил.	12,9	Бухоро вил.	5,8
Наманган вил.	16,3	Сирдарё вил.	12,2	<b>Республика</b>	<b>5,4</b>
Бухоро вил.	16,2	Хоразм вил.	12,0	Хоразм вил.	4,6
<b>Республика</b>	<b>14,2</b>	<b>Республика</b>	<b>11,9</b>	Жиззах вил.	4,4
Андижон вил.	8,7	Тошкент ш.	10,6	Сурхондарё вил.	4,4
Самарқанд вил.	8,6	Самарқанд вил.	10,2	Сирдарё вил.	4,1
Сирдарё вил.	6,9	Андижон вил.	9,8	Наманган вил.	3,6
Сурхондарё вил.	4,2	Наманган вил.	8,1	Андижон вил.	3,0
Фарғона вил.	-1,0	Сурхондарё вил.	7,0	Самарқанд вил.	1,4

Манба: Даёлат статистика қўимитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### **5-расм. Картошка, ўсимлик ёғи ҳамда сабзавот маҳсулотлари инфляцияси**

Ўсимлик ёғи	Сабзавотлар	Картошка			
Сирдарё вил.	15,8	Хоразм вил.	-16,9	Тошкент ш.	64,8
Наманган вил.	15,0	Фарғона вил.	-21,6	Наманган вил.	51,6
Тошкент ш.	14,7	Тошкент вил.	-22,2	Тошкент вил.	44,1
Фарғона вил.	14,0	Навоий вил.	-22,5	Хоразм вил.	41,5
Тошкент вил.	12,9	Бухоро вил.	-22,9	Қорақалпоғистон	39,8
<b>Республика</b>	<b>11,3</b>	<b>Қашқадарё вил.</b>	<b>-23,8</b>	Сирдарё вил.	38,6
Андижон вил.	11,3	Қорақалпоғистон	-24,4	Навоий вил.	36,9
Жиззах вил.	10,0	<b>Республика</b>	<b>-24,9</b>	<b>Республика</b>	<b>33,9</b>
Сурхондарё вил.	9,7	Самарқанд вил.	-25,4	Қашқадарё вил.	27,3
Қашқадарё вил.	9,5	Андижон вил.	-25,5	Сурхондарё вил.	23,7
Бухоро вил.	9,4	Сирдарё вил.	-26,3	Жиззах вил.	22,1
Самарқанд вил.	9,2	Тошкент ш.	-26,4	Самарқанд вил.	20,2
Хоразм вил.	7,9	Жиззах вил.	-26,5	Бухоро вил.	19,1
Навоий вил.	7,7	Наманган вил.	-27,7	Андижон вил.	18,3
Қорақалпоғистон	6,9	Сурхондарё вил.	-37,4	Фарғона вил.	13,7

Манба: Даёлат статистика қўимитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Хоразм вилоятида (16,9 фоиз) қайд этилди (5-расм).

### Картошка

Мазкур даврда, аҳоли томонидан картошка маҳсулотига юқори талаб сақланиб қолганлиги сабабли истеъмол товарлари орасида картошка нархи энг юқори даражадаги ўсишни (33,9 фоиз) қайд этди. Хусусан, энг юқори ўсиш Тошкент шаҳрида (64,8 фоиз), энг паст ўсиш Фарғона вилоятида (13,7 фоиз) қайд этилди. (5-расм).

### Ноозик-овқат товарлари

2020 йил январь-сентябрь ойларида, ноозик-овқат товарлари нархлари республика бўйича 6,0 фоизга ошди (ўтган йилнинг мос даврида 8,8 фоиз). Жорий йилининг январь-сентябрь ойларида ноозик-овқат маҳсулотлари инфляциясини ҳудудлар кесимида таҳлил қилинганда, Тошкент шарҳи (8,2 фоиз), Тошкент вилояти (6,9 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (6,6 фоиз), Қашқадарё (6,6 фоиз) ҳамда Жиззах (6,3 фоиз) вилоятларида ноозик-овқат маҳсулотлари нархи республика даражасига нисбатан юқори даражада ошганлиги кузатилди. Шунингдек, Навоий (5,7 фоиз), Хоразм (5,4 фоиз), Сурхондарё (5,0 фоиз), Андижон (4,8 фоиз), Наманган (4,7 фоиз) ва Фарғона (4,6 фоиз) вилоятларида ушбу кўрсаткич республика даражасидан пастрок даражада ошди (6-расм).

Таъкидлаш лозимки, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ноозик-овқат товарлари инфляциясига таъсир кўрсатган асосий омиллардан қурилиш моллари, цемент, дори-дармон, ювиш ва тозалаш воситалари, кийим-кечак, пойабзал, майший техника воситалари нархларининг ошганлиги билан изоҳланади.

### Қурилиш моллари

Мазкур даврда қурилиш моллари нархи ноозик-овқат товарлари ичида энг юқори ўсишни қайд этиб, сентябрь ойида йил бошига нисбатан республика бўйича ўртача 11,3 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулотлар нархларининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида 18,7 фоизга, энг паст даражаси Бухоро вилоятида 5,1 фоизга тенг бўлди (7-расм).

6-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида ноозик-овқат товарлари инфляцияси



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

7-расм. Қурилиш моллари, цемент ҳамда автомобиллар учун ёнилғи маҳсулотлари инфляцияси

Қурилиш моллари	Цемент		Автомобиллар учун ёнилғи		
Тошкент ш.	18,7	Навоий вил.	53,3	Самарқанд вил.	6,6
Навоий вил.	15,5	Наманган вил.	50,3	Тошкент ш.	5,6
Қорақалпоғистон	13,2	Қорақалпоғистон	45,0	Навоий вил.	5,4
Жиззах вил.	13,0	Андижон вил.	43,3	Қашқадарё вил.	4,7
Андижон вил.	12,6	Фарғона вил.	38,1	Бухоро вил.	3,6
Қашқадарё вил.	12,1	Жиззах вил.	34,5	Хоразм вил.	3,3
Фарғона вил.	11,6	Самарқанд вил.	33,8	Республика	1,6
Республика	11,3	Тошкент ш.	31,9	Наманган вил.	0,8
Тошкент вил.	10,7	Республика	31,6	Қорақалпоғистон	0,8
Наманган вил.	10,3	Сурхондарё вил.	25,6	Андижон вил.	0,1
Самарқанд вил.	10,2	Хоразм вил.	25,4	Сирдарё вил.	0,0
Хоразм вил.	9,9	Тошкент вил.	24,0	Жиззах вил.	-0,5
Сурхондарё вил.	9,3	Сирдарё вил.	19,8	Тошкент вил.	-1,0
Сирдарё вил.	8,7	Қашқадарё вил.	17,7	Сурхондарё вил.	-1,6
Бухоро вил.	5,1	Бухоро вил.	11,7	Фарғона вил.	-7,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

Шунингдек, курилиш молларидан цемент маҳсулоти сезиларли қимматлашиб, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ўртача 31,6 фоизга ошиди. Ҳудудлар кесимида, цемент нархининг энг юқори ошиши Навоий (53,3 фоиз) вилоятида, энг паст ошиши Бухоро (11,7 фоиз) вилоятида кузатилди (7-расм).

### **Автомобиллар учун ёнилғи**

Автомобиллар учун ёнилғи нархлари нисбатан барқарор бўлишига жаҳон бозорида нефть нархининг пасайиши сабаб бўлди. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки тўқиз ойида республика бўйича автомобиллар учун ёнилғи маҳсулотлари ўртача 1,6 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулот Самарқанд вилоятида 6,6 фоизга ўсган бўлса, Фаргона вилоятида 7,3 фоизга арzonлашди (7-расм).

### **Маший техника**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида миший техника воситалари нархи республика бўйича ўртача 3,5 фоизга ошиди. Ҳудудлар кесимида, Жиззах вилоятида миший техника воситалари республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан юқорироқ даражада қимматлашди ва 8,6 фоизни ташкил этди. Самарқанд вилоятида эса ушбу товарлар нархлари нисбатан пастроқ даражада ошиб, 1,6 фоизни ташкил этди (8-расм).

### **Дори-дармон**

Пандемия шароитида дори-дармон воситаларига талабнинг ошиши натижасида ушбу маҳсулотлар нархидаги юқори ўсиш тенденцияси кузатилди. Хусусан, 2020 йилнинг январь-сентябрь ойларида дори-дармон маҳсулотларининг нархи республика бўйича ўртача 10,7 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу маҳсулот нархининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (17,5 фоиз), энг паст даражаси Андикон ва Хоразм вилоятларида (6,7 фоиз) қайд этилди (8-расм).

### **Ювиш ва тозалаш воситалари**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ювиш ва тозалаш воситалари нархлари республика бўйича ўртача 8,2 фоизга ошиди. Ушбу воситалар

**8-расм. Миший техника, кийим-кечак ҳамда пойабзал товарлари инфляцияси**

Кийим-кечак	Оёқ кийим	Миший техника	
Тошкент вил.	7,3	Қорақалпоғистон	6,4
Сирдарё вил.	6,9	Жиззах вил.	5,3
Қорақалпоғистон	5,8	Сурхондарё вил.	5,0
Бухоро вил.	5,7	Сирдарё вил.	4,8
Қашқадарё вил.	5,1	Тошкент вил.	4,4
Тошкент ш.	5,1	Қашқадарё вил.	4,2
Самарқанд вил.	5,0	Андикон вил.	3,7
Сурхондарё вил.	4,9	Республика	3,6
<b>Республика</b>	<b>4,9</b>	Бухоро вил.	3,5
Жиззах вил.	4,2	Самарқанд вил.	3,5
Хоразм вил.	3,9	Хоразм вил.	3,4
Андикон вил.	3,8	Фаргона вил.	2,9
Навоий вил.	3,5	Навоий вил.	2,2
Фаргона вил.	3,4	Тошкент ш.	2,2
Наманган вил.	3,2	Наманган вил.	1,9

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**9-расм. Ювиш ва тозалаш, шахсий гигиена воситалари ҳамда дори-дармон маҳсулотлари инфляцияси**

		Ювиш ва тозалаш воситалари	Шахсий гигиена воситалари		
		Дори-дармон	Ювиш ва тозалаш воситалари	Шахсий гигиена воситалари	
Toшкент ш.	17,5	Наманган вил.	10,0	Хоразм вил.	11,0
Жиззах вил.	16,4	Сирдарё вил.	9,8	Тошкент ш.	9,5
Бухоро вил.	13,0	Бухоро вил.	9,2	Сирдарё вил.	8,4
Тошкент вил.	11,6	Андикон вил.	8,9	Тошкент вил.	7,6
Самарқанд вил.	11,5	Жиззах вил.	8,8	Қорақалпоғистон	7,3
<b>Республика</b>	<b>10,7</b>	Тошкент вил.	<b>8,7</b>	<b>Республика</b>	<b>6,4</b>
Қорақалпоғистон	9,4	Самарқанд вил.	8,7	Қашқадарё вил.	6,4
Қашқадарё вил.	9,3	Хоразм вил.	8,7	Бухоро вил.	6,2
Фаргона вил.	9,1	Тошкент ш.	8,4	Самарқанд вил.	6,0
Сирдарё вил.	9,0	Сурхондарё вил.	8,3	Наманган вил.	5,6
Сурхондарё вил.	8,9	<b>Республика</b>	<b>8,2</b>	Жиззах вил.	5,6
Навоий вил.	8,2	Навоий вил.	7,8	Андикон вил.	4,3
Наманган вил.	6,9	Қашқадарё вил.	6,8	Навоий вил.	4,3
Хоразм вил.	6,7	Фаргона вил.	6,4	Сурхондарё вил.	4,1
Андикон вил.	6,7	Қорақалпоғистон	4,6	Фаргона вил.	3,1

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

нархларининг энг юқори ўсиши Наманган вилоятида (10 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст даражада ўсиш Қорақалпоғистон Республикасида (4,6 фоиз) қайд этилди (9-расм).

### Шахсий гигиена воситалари

Ушбу даврда шахсий гигиена воситалари нархларида бироз ўсиш кузатилиб, жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида республика бўйича ўртacha 6,4 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида, ушбу маҳсулотлар нархларининг энг юқори ўсиши Хоразм вилоятида (11,0 фоизга), энг паст ўсиши Фарғона вилоятида (3,1 фоизга) кузатилди (9-расм).

### Хизматлар


2020 йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида, хизматлар нархлари республика бўйича 4,5 фоизга ошди (ўтган йилнинг мос даврида 13,7 фоиз). Хизматлар соҳасидаги инфляция даражаси Тошкент шаҳри (7,0 фоиз), Бухоро (5,3 фоиз), Қорақалпоғистон Республикаси (5,0 фоиз), Андикон (4,8 фоиз) ҳамда Сирдарё (4,7 фоиз) вилоятларида республика даражасидан юқори, Наманган ва Тошкент вилоятларида (4,0 фоиз), Самарқанд (3,6 фоиз), Жиззах (3,2 фоиз), Навоий (2,9 фоиз) ҳамда Сурхондарё (2,5 фоиз) вилоятларида эса республика даражасидан пастроқ даражада шаклланди (10-расм).

Шунингдек, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида хизматлар соҳаси инфляцияси шакланишига асосий омиллар сифатида тиббий, майший, молиявий ҳамда йўловчи ташиш хизматларининг тарифлари ошиши таъсир кўрсатди.

### Тиббий хизматлар

Пандемия шароитида тиббий хизматларга бўлган талаб кескин ошди, ва натижада уларнинг нархлари республика бўйича ўртacha 7,7 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу хизмат нархининг энг юқори ўсиши Тошкент шаҳрида (19,8 фоиз) қайд этилган бўлса, энг паст даражаси Самарқанд вилоятида (1,9 фоиз) кузатилди (11-расм).

**10-расм. Республика ва ҳудудлар кесимида хизматлар инфляцияси**



Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

**11-расм. Тиббий, майший ҳамда молиявий хизматлари инфляцияси**

Тиббий хизматлар	Майший хизматлар	Молиявий хизматлар			
Тошкент ш.	19,8	Хоразм вил.	13,5	Сурхондарё вил.	6,8
Фарғона вил.	10,2	Тошкент ш.	12,5	Сирдарё вил.	6,8
Андикон вил.	9,6	Сирдарё вил.	9,0	Тошкент вил.	6,8
Бухоро вил.	9,3	Қашқадарё вил.	8,9	Фарғона вил.	6,8
<b>Республика</b>	<b>7,7</b>	Бухоро вил.	8,5	Хоразм вил.	6,8
Сирдарё вил.	6,9	<b>Республика</b>	<b>8,3</b>	Бухоро вил.	6,6
Жиззах вил.	6,8	Наманган вил.	8,3	Тошкент ш.	6,6
Қорақалпоғистон	6,5	Қорақалпоғистон	7,7	Самарқанд вил.	6,4
Тошкент вил.	6,3	Фарғона вил.	7,5	<b>Республика</b>	<b>6,3</b>
Хоразм вил.	6,2	Самарқанд вил.	7,4	Қашқадарё вил.	6,3
Қашқадарё вил.	4,3	Тошкент вил.	6,8	Андикон вил.	5,6
Наманган вил.	3,7	Навоий вил.	6,4	Навоий вил.	5,5
Навоий вил.	2,9	Андикон вил.	6,0	Наманган вил.	5,5
Сурхондарё вил.	2,7	Сурхондарё вил.	5,7	Қорақалпоғистон	5,4
Самарқанд вил.	1,9	Жиззах вил.	5,5	Жиззах вил.	3,4

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

### **Маший хизматлар**

Мазкур даврда маший хизматлар нархларида нисбатан юқори ўсиш тенденцияси кузатилди. Хусусан, ушбу хизматлар нархлари республика бўйича йил бошига нисбатан ўртача 8,3 фоизга ошди. Ҳудудлар кесимида ушбу хизмат нархининг энг юқори кўрсаткичи Хоразм вилоятида (13,5 фоиз) кузатилган бўлса, энг паст даражаси Жиззах вилоятида (5,5 фоиз) қайд этилди (11-расм).

### **Йўловчи транспорт хизматлари**

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида йўловчи транспорт хизматлари нархлари ўртача 8,0 фоизга қимматлашди. Ҳудудлар кесимида ушбу хизмат нархининг энг юқори ўсиш кўрсаткичи Андикон вилоятида (14,3 фоиз) қайд этилган бўлса, энг паст ўсиш даражаси Сурхондарё вилоятида (3,2 фоиз) кузатилди.

Хусусан, ушбу хизматлардан такси ҳамда йўналишили таксида йўл ҳаки сезиларли даражада ошди. Йўналишили таксида йўл ҳаки республика бўйича 11,8 фоизга, таксида йўл ҳаки эса 12,1 фоизга қимматлашди (12-расм).

### **12-расм. Йўловчи транспорт, такси ҳамда йўналишили такси хизматлари инфляцияси**

Йўловчи транспорт хизматлари	Йўналишили таксида йўл ҳаки	Таксида йўл ҳаки			
Андижон вил.	14,3	Андижон вил.	30,7	Самарқанд вил.	23,8
Қорақалпоғистон	10,9	Наманган вил.	30,5	Қашқадарё вил.	21,2
Тошкент вил.	10,6	Сирдарё вил.	26,3	Андижон вил.	18,9
Бухоро вил.	10,5	Қорақалпоғистон	22,5	Фарғона вил.	17,0
Сирдарё вил.	10,5	Тошкент вил.	16,7	Бухоро вил.	15,3
Наманган вил.	10,2	Бухоро вил.	13,0	Жиззах вил.	14,9
Самарқанд вил.	10,2	Республика	11,8	Тошкент ш.	13,7
Қашқадарё вил.	9,0	Самарқанд вил.	11,1	Республика	12,1
Фарғона вил.	8,2	Фарғона вил.	7,5	Тошкент вил.	9,1
Республика	8,0	Қашқадарё вил.	4,6	Сирдарё вил.	5,3
Жиззах вил.	6,7	Тошкент ш.	3,1	Қорақалпоғистон	4,2
Тошкент ш.	5,5	Навоий вил.	1,2	Хоразм вил.	2,7
Навоий вил.	3,7	Жиззах вил.	0,0	Навоий вил.	0,0
Хоразм вил.	3,5	Сурхондарё вил.	0,0	Наманган вил.	0,0
Сурхондарё вил.	3,2	Хоразм вил.	0,0	Сурхондарё вил.	0,0

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида Марказий банк ҳисоб-китоблари.

© Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2020

---

*Пул-кредит сиёсати департаменти томонидан тайёрланди  
Ўз таклиф ва эътиrozларингиизни қуийдаги манзилга жўнатишингиз мумкин:  
E-mail: [achilov@cbu.uz](mailto:achilov@cbu.uz)  
Тел.: (+998) 71 212-60-22*